



***Жаҳонгир Зокирхўжани ҳар эслаганида «мусофирликда олтин топиш осон, жон таслим қилиш қийин», деб қўярди. Аслида бу Зокирхўжанинг гапи. Танаси кафан кўрмаган, лаҳад кўрмаган муслимнинг гапи. Қулоғига Оллоҳ номи билан азон айтилган, «Оллоҳ» деб тили чиққан, умри бўйи тоат-ибодатда бўлган муслим жанозасиз кетди. Инсон боласининг бошига турли кулфатлар тушиши мумкин. Бу дунё азобларини беҳад кўп тотиши мумкин. Лекин Жаҳонгирнинг назарида, кулфатларнинг энг бешафқати ўша Зокирхўжага насиб этди. «Бир ҳовуч она тупроққа зор бўлиб кўз юмишни ҳеч бир андага насиб этмасин.» Бу ҳам Зокирхўбанинг гапи...***

*Ноҳақлик, тухматлар жабрини кўп тортган, аммо виждонига хиёнат қилмаган табаррук инсон, тоғам Мирзакалон Исмоилийнинг покиза руҳига холис ният ила бахшида этдим.*

## МУҚАДДИМА

«Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм!».

У шундай деб милтиқ қўндоғини елкасига тираб, баргга қараб олди.

Кузнинг совуқ нафасида титраб-қақшаб турган япроқлар қитдай шабадага ҳам тоб беролмай чирт узиладиган аҳволга келган. Ёмғирдан олдинроқ узилиб хазонга айланган барглар эса чиришга юз тутган. Бугунгилари ҳам, агар шамол учириб кетмаса, ўз дарахтининг пойида чирийди.

Кун оғиб шабада эсмай қўйган. Дайдидарадаги дўнгликда — танҳо савлат тўкиб турувчи чинорнинг энг пастки шоҳидаги барг узилгани ҳамон милтиқ отилади: кимдир — иккисидан бири қулаши керак...

Бир ёнига сал қийшайиб турган йигит, гарчи ягона баргга тикилиб қолган бўлса ҳам уни кўрмайди. Укаси билан отишишга шартлашиб, қўлига милтиқ олгач, титраб турган барг ўлим хабарчисидай туюлиб, кўз олди хиралашган. Энди у фақат Худодан нажот кутади.

«Падаркушлигим рост бўлса, Худо аввал кўзимни кўр қилади. Баргнинг узилганини кўрмай қоламан. Жаҳоннинг қаҳри қаттиқ. У аямайди... Барг қани? Нимага кўрмаяпман? Худо жонимни укамнинг қўлига топширдими? Пешонамга ёзилгани шуми?»

— Жаҳон... Жаҳонгир!

— Нима дейсиз? — Жаҳонгир баргдан бир зумгина кўзини олиб, акасига қаради.

— Улушим кўмилган ерни айтайми?

— Керак эмас.